# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 16 июль, № 137 (6067) Чоршанба


# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда



Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кузатилаётган барқарор ривожланиш жараёнини кўп омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, бу борада инвестицияларнинг алоҳида ўрни бор. Негаки, саноат тармоқлари салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш, умуман, иқтисодиётни юксалтиришда хорижлик сармоядорларга яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва жалб этилаётган инвестицияларни аниқ мақсадга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

ИСЛОҲОТ

Таъкидлаш жоизки, Навоий вилоятида Президентимизнинг махсус Фармони билан эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Ўтган давр мобайнида воҳанинг Маликчўл ҳудудида Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Германия, Италия, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар ишбилармонлари томонидан киритилган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ҳисобига 20 га яқин корхона ишга туширилиб, мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминлангани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда, асосан, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилаётган ушбу корхоналарда модем ва телевизорлар учун приставкалар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, дори-дармон воситалари сингари ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир.

Автомобилсозлик саноати учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "UzEraeCable" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай самарали фаолият юритаётган субъектлардан биридир. Эътиборлиси, бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Улар Жанубий Корея ва Италиядан келтирилган ускуналарни моҳирлик билан бошқариб, автомобиллар учун 39 турдаги кабелларни тайёрлашмоқда.

(Давоми 2-бетда).





Истиқлол сурури

# ОБОДЛИКДАН КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ

*Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик ишлари бўй кўрсатмоқда. Дейлик, қайсидир қишлоқда кичик корхона ташкил этилиб, ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди, бошқа жойда қурилган муҳташам спорт мажмуасида тарбияланаётган ёшлар орасидан эса чемпионлар етишиб чиқаяпти. Маҳалла марказида ишга туширилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизматидан аҳоли мамнун. Бундай хушхабарлардан ҳар куни воқиф бўлаяпмиз.*

*Кейинги йилларда вилоятимиз маркази — Урганч шаҳри ҳам тобора чирой очаётир. Азим шаҳримиз мутлақо янги қиёфага кирди, десам, хато бўлмайди. Кенг, равон кўчаларни ёқалаб тушган янги кўп қаватли бинолар, меҳмонхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, боғлар, хиёбонлар, ишлаб чиқариш корхоналари кишига чексиз ғурур бағишлайди. Шуларга мос ҳолда янги темир йўл вокзали, аэропорт терминали, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали биноси, "Ёшлар кўли" дам олиш маскани, обод қилинган Шовот канали бўйлари шаҳримизга замонавий қиёфа бағишлади.*

*Мен бир неча йилдан буён фермерлик қилиб келаман. Истиқлол берган кенг имкониятлар туфайли фаолиятимиз йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Энг муҳими, шунинг орқасидан нафақат оилам, балки фермер хўжалиги барча аъзоларининг хонадонига қут-барака кирмоқда. Бундан руҳланиб, қўшимча тармоқларни йўлга қўяяпмиз.*

*Дала юмушларидан бўшаган пайтларимда яна бугунги Урганч жамолини кўришга ошиқаман. Қайта-қайта томоша қилишга арзийдиган шаҳар бўлди-да ўзиям. Шундай кезларда бири-биридан гўзал ва маҳобатли иншоотларни, сўлим ва файзли боғларни, ойнадек ярқираган кўчаларни кўриб, бунёдкор халқимизга тасанно айтаман. Тилимда эса бугунги дориламон кунларга, тинч-тотувликка шукр, деган калима айланади.*

**Шарифбой РАЖАБОВ,**
**Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалиги раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

# Миллий интернет фестивали бошланди

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб юртимизда "UZ" миллий домени интернет фестивали бошланди.*

АКТ

Мазкур тадбир "UZINFOCOM" компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда "InfoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилмоқда. Танловнинг расмий кўмакчиси Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳисобланади.

"UZ" миллий домени интернет фестивали бошланиши муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А. Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида маблағларни бошқариш, солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича долзарб масалаларга бағишланган семинар ўтказилди. Унда "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудлардаги 215 корхонаси вакиллари иштирок этди.

**● Самарқанд педагогика, Самарқанд тиббиёт, Самарқанд банк ва Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежлари битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилингани ва бугунги кунда мазкур тизим ўзини тўла оқлаётгани тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди.**

● Жиззахда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиби қатнашди. Жиззах тумани вакили Сурайё Тошпўлатова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**● Навоийда бўлиб ўтган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танлови доирасида бозор муносабатларини ўрганиш, бизнес ғоя тузишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТАДБИР

*Пойтахтимизда 15 июль куни Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, кимё, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, қурилиш, озиқ-овқат саноати, геология, фармацевтика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитидаги иштироки ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ривожида янги босқич бўлди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация асосида изчил тараққий этмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро савдо айланмаси ҳажми муттасил ўсиб бораётир. Жорий йилнинг январь — май ойларида бу кўрсаткич қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 482 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Хитойлик ишбилармонлар мамлакатимизда ташкил этилган қатор иқтисодий зоналарда фаол иш юритмоқда. Хусусан, жорий йилда "Жиззах" махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Форумда хитойлик ишбилармонларга "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" иқтисодий зоналаридаги имконият ва имтиёзлар ҳақида янада кенгроқ маълумот берилди.

Ёқилғи-энергетика комплексида ҳам ХХР билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё — ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг биринчи чорагида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмаги билан юртимиз тадбиркорлик субъектларининг**

**207,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлари экспортга чиқарилди.**

Рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доир кўрилган тизимли чора-тадбирлар ана шундай ижобий натижага эришишда муҳим омил бўлди.




## Замонавий ва ноёб лойиҳа

Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожида транспорт-коммуникация тизими муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур йўналишдаги ишларга, хусусан, темир йўл тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар эса нафақат юк ва йўловчи ташиш ҳажмини кенгайтириш, балки халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юрт равнақини таъминлашга хизмат қилаётир.



*Истиқлол сурури*

# РИЗҚУ НАСИБАСИ БУТУН ЭЛ

*Яқинда набирамнинг туғилган кунига ўйинчоқ машина сотиб олдим. “Жуда пишиқ-пухта ишланган экан, ҳойнаҳой хорижники-ёв”, дедим ўғлимга. У ўйинчоқнинг у ёқ-бу ёғига разм солдида, “Э, дада, ҳали-ҳамон бирор яхши нарсани кўрсангиз, четники деб ўйласиз-а, мана қаранг, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб ёзиб қўйибди-ку”, деди мийиғида кулиб. Дарвоқе, мана, неча йилдирки, чинакам автомашинаю турли мураккаб техника воситаларимиз дунё кезаяпти-ю, мен уларнинг оддий андозаси юртимизда тайёрланаётганидан роса ҳайратланибман, денг.*

*Кейин чуқур ўйлаб қарасам, мендек кекса кишининг ҳайрати бежиз эмас экан. Чунки юртимизга кечагина оддий гугурт ҳам четдан келтирилар эди-да. Ёки ўзимизнинг пахта толасидан тўқилган сурпни айтмайсизми?! Гоҳида шу матони топиш ҳам қийин бўлиб қолар, шу боис кўпчилик уни доим сандиқларида сақлашга мажбур эди. Энди-чи?! Қаранг. Ўтган йили бир гуруҳ оқсоқоллар вилоятимиздаги “Бахт фарм текс” корхонасида бўлдик. Бу ерда ўзимизнинг пахта толасидан боғламаю бошқа ўнлаб тиббий воситалар тўқилаяпти. Маҳсулот сифатига гап йўқ.*

*Шукр. Бугун бемалол “ўзимизники” деб фахр билан айтишимиз мумкин бўлган маҳсулотимиз сон-саноқсиз. Уйимиздаги телевизор дейсизми, музлаткичми, совутқичми ёки ҳовлида савлат тўкиб турган автомашинами ва ҳоказо, қаёққа қараманг, ўзимизда тайёрланган турли буюму техника воситаларига, кийим-кечагу нозу неъматларга кўзимиз тушади. Яна бир энг катта ютуғимиз эса ризқимиз бутун — ғалламиз, нонимиз ўзимизники!*

*Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг қисқа вақт ичида қанчалик жадал тараққий этиб бораётганлигидан далолат беради. Шундай экан, Истиқлолимиз, тинчлигимиз ва осойишталигимиз, бебаҳо тупроғимизни кўзимизга тўтиё қилсак, шундай файзёб кунларимизга қанча кўп шукроналар айтсак, шунча кам.*

**Холмўмин ШУКУРОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Сардоба тумани

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой компаниялари юртимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида иштирок этаётир. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу саъй-ҳаракатлар икки мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ёрдамчиси Чжан Сянчэнь. — Ушбу қўмита мажлиси олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш, ҳамкорликда қатор қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қулай имконият яратмоқда.

Анжуманда сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, “Ангрен” махсус индустриал зонасида қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришга оид ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, “Жиззах” махсус индустриал зонасини ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Нефть-газ, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

## аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда

*Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Сурхондарё вилояти саноатида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори талаблари асосида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга бўлаяпти.*

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур тармоққа 54,5 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиб, салкам 8 мингта янги иш ўрни барпо қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур қувватларнинг ишга туширилиши билан 10 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, уларнинг аксарияти хорижлик буюртмачиларга сотилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Дейлик, “Snindong spining Термез” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида тайёрланаётган калава ип аллақачон чет эллик харидорлар қўлига етиб борди. Жарқўрғон туманидаги “Charogon tekstil” тўқимачилик фабрикасида тикилаётган болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, Бойсун туманидаги “Даҳбед” кичик корхонасининг полиэтилен қувурлари, Шеробод туманидаги “Соҳиб, Суҳроб, Сардор” хусусий корхонасининг лок-бўёқлари, Денов туманидаги “Денов равнақ камоли” хусусий корхонасининг сифатли пойабзалларига эса ички бозорда талаб тобора ортмоқда.

— Бу йил ҳудудимизда 66 минг 96 та иш ўрнини ташкил қилиш режалаштирилган, — дейди Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Абдусалом Хўжақулов. — Ушбу иш жойлари ҳам, асосан, янги саноат корхоналарини барпо этиш, мавжудларини кенгайтириш, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига яратилади. Шу боис Шеробод туманида цемент заводи қурилиши бошлаб юборилди. Бундан ташқари, олдимизда “Шарғун” ва “Тўда” кўмир конлари қувватини ошириш, Сариосиё туманида тўқимачилик ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Шўрчи туманида “Мўмин текстиль” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш, “Қумқўрғон механика заводи” масъулияти чекланган жамияти негизида калава ип тайёрлаш корхонасини қуришдек улкан вазифалар ҳам турибди. Умуман, жорий йилда умумий қиймати 94,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 448 та лойиҳани амалга ошириш эвазига мингга яқин кишини иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўраяпмиз.

Мухтасар айтганда, аҳоли бандлигини таъминлашда янги қувватларнинг ишга туширилиши айни муддао бўлмоқда. Қолаверса, хорижнинг машҳур фирмаларидан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тобора яхшиланиб бораётгани вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Намангандаги донни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар маҳсулот қадоқлашда қўлланиладиган махсус қопларни қўшни вилоятлардан олишар эди. Эндиликда бундай махсус идишлар Учқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган “Юлдузли олтин қоп” шўъба корхонасида тайёрланмоқда.*

## Йирик буюртма — сифат эътирофи

Тумандаги “Қўғайтаъмирлаш” масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш субъектида йилига беш миллион дона полипропилен қоплар тайёрлаш қувватига эга линия фойдаланишга топширилди. Лойиҳа рўёби учун 247,4 минг АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилди. Унинг 175 минг доллари банк кредити ҳисобига қопланди. Айни чоғда бу ерда 30 нафар киши меҳнат қилмоқда.

— Жорий йил ғалла йиғим-терими мавсуми арафасида “Намангандонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятидан дастлабки йирик буюртма қабул қилдик, — дейди шўъба корхона раҳбари Ў. Ҳасанов. — Ҳозир умумий қиймати 468 миллион сўмлик ушбу шартнома ижросини таъминлаяпмиз.

Тез орада корхона ўз маҳсулотини экспортга чиқариш ҳаракатида. Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказилаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Туманда 2 минг нафар аёл тадбиркорлик билан шуғулланмоқда

*Биргина Зангиота туманида 2 минг нафардан зиёд хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг ташаббус ва истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси туман бўлинмасининг ҳиссаси катта.*

Муқаддас Бердиеванинг трикотаж моллари ишлаб чиқаришга оид бизнес-режаси шу уюшма кўмаги билан рўёбга чиқди. Тадбиркорнинг иш бошлаши учун банк томонидан 30 миллион сўм кредит ажратилди. Қисқа фурсатда Қизғалдоқ маҳалласида мўъжазгина тикувчилик цехи вужудга келди. Айни пайтда бу ерда болалар ва катталар учун турли мавсумий либослар тайёрланмоқда. Энг муҳими, ишбилармоннинг ташаббуси билан маҳаллий чеварларнинг 15 нафари доимий иш билан таъминланди.

— Дастлабки маҳсулотимиз харидорини топди, — дейди тадбиркор. — Бундан руҳланиб, цехимизга хориждан замонавий ускуна ва дастгоҳлар келтириш ҳаракатидамиз. Модернизация маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш баробарида, унинг бир қисмини экспортга чиқариш имконини ҳам беради.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Таъминот янада яхшиланади

*Вобкент тумани марказида янги сув насос станцияси барпо этилди. Бу туман маркази сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида амалга оширилди.*

Станция янги русумдаги “Грундфос” сув насослари билан жиҳозланди. Айни чоғда сув тозалайдиган замонавий ускуналар ҳам ўрнатилди. Иккита янги резервуар барпо қилинди. Кўчалар бўйлаб жами ўттиз километр масофага полиэтилен сув қувурлари ёткизилди. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги қурилиш-монтаж ишларининг умумий тендер нархи 2 миллион 752 минг АҚШ долларидан зиёд бўлиб, иншоот шу йилнинг охирига бориб босқичма-босқич ишга туширилади. Пировардида ичимлик суви сифати ошиши билан бирга, унинг таъминоти ҳам тубдан яхшиланади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тажриба ва амалиёт

*Андижонда лалмикор ерларда пистазорлар яратиш бўйича илмий-амалий семинар ўтказилди.*

### СЕМИНАР

Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Фарғона водийси вилоятлари фермерлари ва аграр тармоқ вакиллари қатнашди.

Семинарда мутахассислар томонидан пистазорлар учун ер танлаш, тупроқни тайёрлаш, ёш ниҳолларни пайванд қилиш каби қатор мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мутахассислар фикрича, писта таркибидаги микроэлементлар инсон организми учун жуда фойдали. Шунингдек, унинг пояси ва баргларидан тиббиётда кенг фойдаланилади. Айни пайтда мамлакатимизда 30 минг гектар ерда писта кўчатлари парваришланмоқда.

Хусусан, Асака туманидаги “Кўҳна дала сардори” фермер хўжалиги ерларига ҳам бундан икки йил аввал 560 туп хандон писта ниҳоллари экилган эди. Семинар қатнашчилари мазкур хўжалик боғига ташриф буюриб, бу ерда тўпланган тажриба билан танишдилар.

Тадбир якунида водий вилоятларида фаолият юритаётган фермерларга хандон писта кўчатларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Имкониятларга бой, бебаҳо ва бетакрор заминда яшаб, меҳнат қилаётганимдан фахрланаман, — дейди корхонанинг сифат назорати бўлими бошлиғи Юнус Ҳусенов. — Сабаби, ёш бўлишимга қарамасдан, менга шундай масъулиятли вазифани ишониб топширишди. Бу ишончни ўз иқтидорим ва меҳнатим билан оқлайман, албатта.

Дарҳақиқат, ёшлик инсон умрининг энг гўзал ҳамда шижоатли даври ҳисобланади. Бу паллада олинган билим, ўрганилган ҳунар бутун умрга татийди. Корхонада эса Юнусга ўхшаган билимли ва изланувчан ёш мутахассислар 100 нафарни ташкил этади. Ўтган йилдан бошлаб уларнинг ташаббуси, қолаверса, амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган “Cobalt” русумли енгил автомобиль учун аккумулятор жгутлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Жорий йилнинг 5 ойида эса 47 минг километр узунликдаги автомобиль кабеллари ва қарийб 25 минг комплект аккумулятор жгутлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Қўшма корхонанинг техник директори Фарҳод Назаровнинг айтишича, ёш мутахассислар фикрига таянган жамоа мазкур кўрсаткични янада ошириш ҳаракатида. Бундан англашиладики, жамоа келгусида янада юксак марраларни забт этиши, шубҳасиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Миллий интернет фестивали бошланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, мамлакатимизда интернет фестиваллар 2001 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий доменини ривожлантириш мақсадида 2007 йилдан бошлаб “UZ” миллий домени интернет-фестивалларини ташкил этиш анъанага кирди.

Иккинчи даражали “UZ” миллий домени 1995 йил 29 апрелда яратилган. Шу бугунги кун ҳолатига кўра, “UZ” зонасида фаол иккинчи даражали доменлар сони 18200 дан ошди. Бундан ташқари, “UZ” доменига тегишли бир неча минг учинчи даражали доменлар ҳам мавжуд.

Бу йилги фестиваль 15 июлдан 22 сентябрга қадар ўтказилади. Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари ўтган йиллардаги каби аҳоли ўртасида интернет тармоғини оммавийлаштириш, тармоқда миллий контентни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ўзбек тилини қўллашни кенгайтиришдан иборат.

Танловда “UZ” доменида рўйхатдан ўтказилган сайтлар қатнашади. Унда иштирок этиш учун номзодлар ҳайъат аъзолари, сайт эгаси ва ҳар бир хоҳлаган киши томонидан фестивалнинг расмий сайти — www.if.uz манзилида тақдим қилинган рўйхатга олиш шакли бўйича кўрсатилиши мумкин. Танловда қатнашиш учун аризалар бериш муддати шу йилнинг 1 сентябригача давом этади.

Сайтларни баҳолаш учун интернет технологиялари, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳалар мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ташкил этилган. Бу йилги фестиваль дастури 10 та мавзуга оид бўлиб, иккита махсус номинацияни ҳам ўз ичига олади. Мазкур йилда 10 та мавзуга оид номинация иштирокчилари учун www.uz миллий қидирув тизимининг махсус мукофотлари киритилган. Ҳар бир мавзуга оид номинация бўйича энг кўп хост тўплаган 10 та сайт танлов ғолиблигини қўлга киритади.

Ҳар бир номинацияда биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин эгалари аниқланади, ғолибларга диплом ҳамда мукофотлар топширилади. Фестиваль ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими 22 сентябрь куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 15 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2183,96 | 1 Украина гривнаси | 198,75 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3977,46 | 1 Малайзия ринггити | 732,12 |
| | | 1 Польша злотийси | 762,95 |
| 1 Дания кронаси | 424,01 | 1 СДР | 3590,97 |
| 1 БАА дирҳами | 632,77 | 1 Туркия лираси | 1096,84 |
| 1 АҚШ доллари | 2324,10 | 1 Швейцария франки | 2603,74 |
| 1 Миср фунти | 325,05 | | |
| 1 Исландия кронаси | 20,43 | 1 евро | 3165,15 |
| 1 Канада доллари | 2164,77 | 10 Жанубий Корея вони | 22,83 |
| 1 Хитой юани | 374,50 | | |
| 1 Россия рубли | 68,24 | 10 Япония иенаси | 229,31 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Тошкент: 11 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



*Истиқлол сурури*

# МУЛКДОР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

*Ёшлигим собиқ шўро даврида ўтди. Мактабда нуқул "хусусий мулк эгаси", "сармоядор" ва "фабрикачи" жамиятга ёт, деган гапларни қулоққа қуйишарди. Бугун юртимиз эркин, халқимиз озод бўлди. Ҳаётимизга дунё синовидан ўтган бозор иқтисодиёти кириб келди. Турли мулк шакллари, жумладан, хусусий мулкчилик ривож топмоқда. Аслида мулкдор жамият таянчи экан.*

*Буни юртимиз мулкдорларининг Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги фидойи меҳнати кўрсатиб турибди. Шулар қаторида эканимдан мамнунман. Бундан бир неча йил илгари яхши ният билан фабрика очган эдик. Икки қаватли замонавий бинода жойлашган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 100 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори эканини кўриб, эски замонда дўкондан оддий кийим-кечакни топиш амри маҳол бўлгани ёдимга тушади. Катта ёшдагилар яхши билишади, у пайтлар кийимларнинг сараси импорт сифатида келтирилар ва таниш-билишчилик асосида ёки "шапка"си билан сотиларди. Энди-чи? Бозордаги сара моллар ёрлиғига қаранг: аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган, матоси пишиқлиги, тикилиши, дизайни хорижникидан устун бўлса борки, асло кам эмас.*

*Яқинда ҳамкорларимизнинг таклифига кўра чет эллик ишбилармонлар билан учрашдим. Улар юртимиздаги ўзгаришлар ва иқтисодиёт ривожи, муҳими, тадбиркорларга яратилган шарт-шароитга ҳавас билан қарашади. Шу боис бизни ишончли ҳамкор, деб билади. "Опа, маҳсулотингизни фақат бизга юборинг", дейишади кўпчилиги.*

*Ён-атрофдагиларнинг "фабрикачи опа", дейишлари ғайратимни янаям оширади. Ҳозир корхонамизда икки юздан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга чиқараяпмиз, улар ташқи бозорда "Uz Nam Tex" савдо белгиси остида сотилмоқда.*

**Маъсуда СОДИҚОВА,
Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» кўп тармоқли савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 5 ИЮЛДАН 11 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2014 йил 19 июндаги 251-сонли буйруғи.*

**2014 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1726-1 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

2. «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 24 июндаги 45-сонли буйруғи.*

**2014 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-2 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

3. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 26 июндаги 2014-22-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-4 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

4. «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 1 июлдаги 01/23-26/16, 276-В-2-сонли қарори.*

**2014 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1636-2 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

5. «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 2014-25-сонли қарори.*

**2014 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

6. «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 30 июндаги 46-сонли буйруғи.*

**2014 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-1 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

7. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 30 июндаги 47, 2014-26-сонли қарори.*

**2014 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-1 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

8. «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва моллари сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат гувоҳномалари бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 2 июлдаги 4, 12-сонли қарори.*

**2014 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1611-2 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

9. «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қўлланиладиган фискал хотирали назорат-касса машиналарига қўйиладиган ягона техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йил 28 июндаги 2014-27, 2-к-сонли қарори.*

**2014 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2601 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

10. «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 11 июлдаги 185-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 146-1 (2014 йил 14 июлдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидалари» *(рўйхат рақами 1726, 2007 йил 10 октябрь). Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2014 йил 7 июлдаги 176-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. «Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун электрон назорат-касса машиналари (НКМ)га техник талаблар» *(рўйхат рақами 146, 1995 йил 29 май). Назорат-касса машиналарини жорий қилиш бўйича давлат идоралараро комиссияси томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2014 йил 11 июлдаги 185-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**I. Кафедра мудири:**

1. Кончилик иши.
2. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:
3. Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
5. Жисмоний маданият.
6. Ўзбек ва чет тиллар:
7. Олий математика.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентларига:**

**Кончилик иши:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин
**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор - 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
**Ўзбек ва чет тиллар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Металлургия:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Кимёвий технология:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
**Иқтисодиёт ва менежмент:** доцент — 1 ўрин.
**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
**Электр энергетикаси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Умумий физика:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринлари.**

**I. Кафедра мудирлари:**

1. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
2. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентлари:**

**Кончилик иши:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Металлургия ва кимёвий технология:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринлари.**

**I. Кафедра мудирлари:**

1. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентларига:**

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** профессор — 1 ўрин.
**Табиий ва умумтехника фанлари кафедраси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

***Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:***

1. Ректор номига ариза.
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси.
4. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестациялар нусхалари.
5. Илмий-услубий ишлар рўйхати.
6. Малака ошириш тўғрисида гувоҳномаси.

*Изоҳ: Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институти, ўқув-услубий бўлими.
Мурожаат учун телефон: (8-436) 770-29-40.**

1072A/546

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор ва Шаматон қишлоқларида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.
*Бошланғич баҳоси — 470 700 000 сўм.*

**2.** Умумий майдони 7700 кв.м., қурилиш майдони 1018,14 кв.м., фойдаланиш майдони 898,56 кв.м. бўлган трактор гаражи биноси.
*Бошланғич баҳоси — 103 600 000 сўм.*

**II.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, «Марказий универсал магазини» МЧЖга қарашли, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 17-уйда жойлашган, 2 қаватли, 1972 йилда қурилган, умумий ер майдони 7846,54 кв.м., қурилиш майдони 3183,29 кв.м. бўлган «Марказий универсал магазини» такроран қўйилмоқда.
*Бошланғич баҳоси — 1 260 744 700 сўм.*

Аукцион савдоси 2014 йил 1 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000040920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1065A/1453

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Пешку тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2014 йил 28 апрелдаги 20-1402/2478-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пешку тумани, «Янгибозор» ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 28020 кв.м.дан иборат, Пешку тумани 202-сон ХКМК ОТАЖга тегишли маъмурий ишлаб чиқариш базаси қўйилмоқда.
*Бошланғич баҳоси — 272 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2014 йил 18 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 15 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:
Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

1066A/1453

Хизматлар лицензияланган.

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**
**маълум қилади.**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 2 июлдаги 127 (6057)-сонида чоп этилган эълоннинг «бошланғич баҳоси — 927 761 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 869,0 кв.м., қурилиш ости майдони 568,0 кв.м., фойдаланиш майдони 719,36 кв.м. (0001-маъмурий бино, 0002-соғломлаштириш мажмуаси) бўлган шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва базаси савдога қўйилмоқда» мазкур қисми кейинги ўринларда «бошланғич баҳоси — 972 761 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 869,0 кв.м., қурилиш ости майдони 568,0 кв.м., фойдаланиш майдони 719,36 кв.м. (0001-маъмурий бино, 0002-соғломлаштириш мажмуаси) бўлган шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва базаси савдога қўйилмоқда», деб ўқилсин.

*Хизматлар лицензияланган.*

1067A/1091


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Эркинбой Ашурбекович Юсуповга онаси

**КАРОМАТХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Хитойнинг "Hony Capital Ltd." инвестиция компанияси Буюк Британиянинг "PizzaExpress" пиццахоналар тармоғини 900 миллион фунт-стерлинг эвазига сотиб олди.*

## Энг йирик битим



Бу сўнгги беш йил ичида Европа ресторанлар бизнесида амалга оширилган энг йирик битим сифатида қайд этилди.

"PizzaExpress"нинг айни пайтда 13 та давлатда 504 та ресторани ишлаб турибди. Шу жумладан, Хитойнинг Шанхай, Гонконг ва Пекин шаҳарларида ҳам унинг тамаддихоналари мавжуд.

"Hony Capital Ltd." компаниясига 2003 йилда асос солинган бўлиб, кейинги йилларда у озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб хорижий компанияларга инвестиция киритаяпти. Масалан, биргина ўтган йилда у ана шундай мақсадлар учун 12,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирган.

## Кемалар тўқнашиб кетди

*Малайзия соҳилларида йўловчи кемаси назоратчилар қайиғи билан тўқнашиб кетди.*

Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмди. 17 нафар одамнинг тақдири эса номаълум бўлиб турибди. Улар ҳозирча бедарак йўқолган, дея ҳисобланмоқда. Воқеа юз берган пайтда кемада жами 80 нафар йўловчи бўлган. Манбага кўра, тўқнашув назоратчилар қайиғи томонидан Индонезия йўналиши бўйича ҳаракатланаётган йўловчи кемасини тўхтатиш чоғида содир бўлган. Бунинг сабаблари эса маълум эмас.

Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаяпти.

## Шиллиққуртларнинг йўли тўсилди

*АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги халқаро аэропортда мамлакат ҳудудига 16 кг. оғирликдаги Африка шиллиққуртларини олиб ўтишга уриниш ҳолати аниқланди.*



Улар иккита халта ичига яширилган экан. Нигериядан учиб келган самолётдан топилган бу юк кимга тегишли экани маълум эмас.

Африка шиллиққуртларининг узунлиги 15-18 сантиметр атрофида бўлади ва 10 йилгача яшайди. Давлатлар қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зиён етказувчи бу зараркунандалар ўз ҳудудига олиб кирилишига йўл қўймайди.

Баъзи жойларда эса бундай шиллиққуртларни одамлар истеъмол ҳам қилишар экан. Аммо мутахассислар бунинг хавфлилигини уқтириб, уни истеъмол қилиш инсон организмида жиддий хасталиклар, жумладан, менингит (бош ва орқа мия пардасининг яллиғланиши)ни келтириб чиқаришини билдиришган.

## Компания танлови қизиқишга сабаб бўлди

*Германиянинг спорт кийимлари ва инвентарлари ишлаб чиқарувчи "Adidas" компанияси Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футбол клуби билан ҳамкорлик битими имзолади.*

Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Қиймати 1,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган келишувга кўра, жамоа аъзолари янги мавсумда ушбу компания либосларида баҳсларда иштирок этади.

Кўпчилик экспертларни "Adidas"нинг нима учун айнан "Манчестер Юнайтед"ни танлагани қизиқтирмоқда. Чунки бу клуб ўтган мавсумда Англия премьер-лигаси баҳсларида муваффақиятсиз қатнашиб, совринли ўринларни ва еврокубоклар йўлланмасини бой берган эди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, "Манчестер Юнайтед" ўтган мавсумда АҚШнинг "Nike" компанияси либосларидан фойдаланган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***
- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнесс-клублар, бильярд хоналар, боулинг ва бошқалар.

**ЧЕГИРМА 10%**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДЙҲХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

232R/770




АҚШ: Ҳиндистоннинг "Air India" авиакомпаниясига қарашли "Boeing 777-300" самолёти қушлар галасига йўлиққани сабабли Ньюарк шаҳри(Нью-Жерси штати)даги халқаро аэропортга фавқулодда қўндирилди.



## Истиқлол сурури

# ВАТАНДАН ҒУРУРЛАНИШ САОДАТИ

*Мустақиллик тенгдошиман. Ўн олти ёшимда илк бора Болгариянинг Вена шаҳрида каратэ бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган бўлсам, ўша йили Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккита олтин ва битта кумуш медаль совриндори бўлдим. Мусобақаларда ғолиблар эълон қилиниб, Ўзбекистон байроғи кўтарилганида қаттиқ ҳаяжонланганимни сўз билан таърифлай олмайман. Бу шукуҳли дамларда Ватанимдаги ота-онам, яқинларим, юртдошларим меҳр-тафтини ҳис қилдим. Қисқа давр оралиғида каратэ бўйича олти бор Ўзбекистон чемпиони, икки марта Осиё чемпиони, деган шарафли номга эришдим. 2012 йили спорт соҳасидаги муваффақиятларим туфайли Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари қаторидан жой олдим. Қолаверса, мусаввир ҳамда ҳунарманд сифатида ҳам ўз салоҳиятимни намойиш этмоқдаман. Амалий санъат соҳасида ютуқларни қўлга киритишимда пойтахтимиздаги Республика дизайн коллежида таҳсил олганим ғоят қўл келди. Ўз ишларим билан мамлакатимизда ташкил этилган кўрик-танлов ва фестиваларда иштирок этиб, қорақалпоқ миллий либослари, сўзана, кашта ва гиламлари довруғини ёйишга ўз ҳиссамни қўшмоқдаман.*

*Бугун ҳаракат қилган, изланган одамга омад ёр бўлаверади. Айни кунларда Корея Республикасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраяпман. Мақсадим — мусобақада ғалаба қозониб, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик тўйига муносиб туҳфа ҳозирлаш. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган ўзбекистонлик ёшларнинг салоҳиятини намойиш этиш. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам бор.*

**Замира АЛИЕВА,**
**Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, каратэ бўйича 6 карра Ўзбекистон, 2 карра Осиё чемпиони.**

O'ZSANOATQURILISHBANK

*Юртимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, биз истиқлолнинг қадр-қиммати, аҳамиятини босиб ўтилган йиллар билан эмас, балки мана шу даврда қилинган амалий ишлар салмоғи билан теран ҳис этамиз. Бинобарин, тарихан қисқа фурсатда мамлакатимизда шундай беқиёс ўзгаришлар кузатилдики, уларнинг самарасини тобора чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилаётган бири-биридан гўзал биноларимиз, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, йўлсозлик, қўйингки, барча соҳалардаги янгиланишлар мисолида яққол кўриш мумкин.*

*Энг муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

*Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз банк-молия тизимида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Тижорат банклари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ҳар қайси давлатнинг куч-қудрати, унинг иқтисодий тараққиёти бевосита шу соҳа барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Натижада аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Буни нафақат йирик ишлаб чиқарувчилар, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бораётган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.*



РЕКЛАМА ЎРНИДА

# «Ўзсаноатқурилишбанк»: МИЖОЗ ИШОНЧИ — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

### Ҳам таянч, ҳам суянч

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача — аҳолига барча даражадаги тиббий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги ва ноёб тизими яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда хусусий секторда ҳам тиббий фаолият шаклланиб бораяпти. Бугун республикамизда самарали иш юритаётган 2000 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари аҳоли ишончини тобора қозонаётганлиги янада қувонарлидир. Биргина бизнинг хусусий тиббиёт муассасамизда ҳар куни ўнлаб фуқаролар тиббий кўрикдан ўтиб, аниқ ташхис асосида даволанадилар.

Тўғри, биз учун шу даражага етишиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Изландик, ўргандик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, охирги пайтларда рақамли рентгенография ускунаси орқали тиббий текширувлар ўтказишга талаб жуда ошиб бормоқда. Лойиҳамизни ана шу жиҳатга қаратдик. Аммо сармоямиз етарли эмасди. Имкониятларимизни чамалаб, яқин ҳамкоримиз —"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сурхондарё минтақавий филиалига мурожаат этдик. Банк лойиҳамизни мақбул, деб топди. Ажратилган кредит эвазига замонавий рақамли рентгенография аппарати харид қилдик. Бу эса, энг мураккаб хасталикларга ҳам аниқ ташхис қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Табиийки, эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни ривожлантириб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш орқали даромадимизни ошириш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратишни ҳам мақсад қилганмиз. "Ўзсаноатқурилишбанк"дек ишончли ҳамкоримиз бор экан, албатта, бу ниятимизга ҳам етамиз.

**Мақсуд АМИНОВ,**
**«Шифо» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари.**
Сурхондарё вилояти

### Бир йилда 11 миллиард сўмлик маҳсулот

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Негаки, ушбу соҳанинг тараққиёти, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта муҳим вазифани ижобий ҳал этиш имконини беради. Қолаверса, ички бозорни импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Буни биз ўз корхонамиз фаолияти мисолида яққол кўрамиз.

Очиғини айтиш керак, ишни бошлаган дастлабки йилларда иқтисодий қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ана шундай шароитда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва аҳил жамоамизнинг меҳнати туфайли муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга эришдик. Гап шундаки, бунда мазкур молия муассасасининг 2 миллион евро миқдоридаги иккита лойиҳа учун ажратган кредити муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Натижада дастлабки йилларда фақат ички бозор учун гиламлар ишлаб чиқарган бўлсак, эндиликда маҳсулотларимизнинг аксарияти экспортга йўналтирилмоқда. Масалан, ўтган йили корхонамиз томонидан 11 миллиард сўмлик гилам маҳсулотлари тайёрланди. Шунинг 800 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижлик харидорларга сотилди. Бундан ташқари, 40 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Тадбиркор сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бундай пайтда ишни тўғри ташкил қила билиш, мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиш тақозо этилади. "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг ана шу тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётгани бизнинг ҳам самарали иш юритишимизда алоҳида аҳамият касб этаяпти.

**Аслиддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**«Yasham — Erkaplan» МЧЖ директори.**
Самарқанд вилояти



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## Факт ва рақамлар

- *Шу йилнинг олти ойи давомида "Ўзсаноатқурилишбанк" республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш учун жами 915 миллиард сўмлик кредит ажратгани нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги йўлида салмоқли улуш бўлди.*
- *Банк томонидан 2014 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш мақсадида 329,8 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Бу маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, 6 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди.*

### Эъзоз ва эътибор оғушида

Кўп кузатамиз, Президентимиз ҳар бир чиқишларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, шароитларини яхшилаш, рўзғор юмушларини енгиллатиш лозимлигини таъкидлаб, ўзларининг қимматли таклиф ва тавсияларини берадилар. Бундай ҳурмат, эъзоз ва эътибор бизни инсон қадри ҳамиша улуғланадиган мана шундай ажойиб юртимиз билан нафақат фахрланиб яшаш, балки унга муносиб бўлишга ундайди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бундай юксак ғамхўрликка жавобан аёлларимиз турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этишаяпти. Охирги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида ҳам бунга амин бўлиш мумкин.

Мавжуд шароитлар туфайли мен ҳам бир неча йилдан бери тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. "Ўзсаноатқурилишбанк" кўмагида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, умумовқатланиш мажмуаси ва тикувчилик ишини ташкил этиш бўйича лойиҳаларимни муваффақиятли амалга оширдим.

Дарҳақиқат, мазкур молия муассасасининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Масалан, банк томонидан кичик бизнес субъектлари ўртасида "Аёл тадбиркорнинг энг яхши бизнес лойиҳаси" танлови ўтказилган эди. Фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида унда мен маиший хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳам билан қатнашиб, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг "Қоровулбозор" филиали томонидан берилган 90 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдим. Натижада замонавий савдо уйини қуриб, фойдаланишга топширдик. Айни пайтда ушбу мажмуа ўнга яқин маиший хизмат кўрсатиш турларини ўз ичига олган. Даромадимиз ҳам ана шу ҳаракатларимизга яраша бўлмоқда. Ўнлаб иш ўринлари очилганлиги эса янада қувонарлидир.

Биз мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатга ўз ҳиссасини қўшаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятидан беҳад миннатдормиз. Келгусида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ниятидамиз.

**Карима АЛЛАЕВА,**
**«Карима Азиз қурилиш сервис» хусусий корхонаси раҳбари.**
Бухоро вилояти

# «Бурч ва муҳаббат»

*Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги киносаройида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси буюртмасига асосан суратга олинган "Бурч ва муҳаббат" бадиий фильмининг намойиши бўлиб ўтди.*

ТАҚДИМОТ

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам хизматлари беқиёс. Уларнинг фидокорона меҳнати, мардлиги, фидойилиги ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати ҳар қанча таҳсинга, эътирофга лойиқ. Соҳа ходимларининг машаққатли фаолияти, бугунги кунда турли бадиий асарлар, фильмлар орқали кенг оммага намойиш қилинмоқда.

"Бурч ва муҳаббат" айни шу мақсадларни кўзда тутиб яратилган киноасарлардан биридир. Унда осойишталик посбонларининг масъулиятли иш фаолияти, уюшган жиноятчиликка қарши олиб борган курашлари, бу йўлда чеккан заҳматлари моҳирона тасвирланган.

Томошабин воқеалар ривожи давомида чигал тақдирлар, турли ҳаётий зиддиятлар, кутилмаган ҳолатлар, қалбни ларзага солувчи лавҳаларга гувоҳ бўлади.

Кинокартина майор Самариддин Халиловнинг "Зулмат занжири" қиссаси асосида суратга олинган. Фильм режиссёри Озод Шамсиддинов, сценарий муаллифлари Абдуқаюм Йўлдошев ва Самариддин Халилов. Асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари — Малика Иброҳимова, Саида Мансурхўжаева, Элёр Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Саидов, Фатҳулла Маъсудов, Меҳриддин Раҳматов, Шоҳида Исмоилова, шунингдек, Шерали Ортиқов, Бобур Йўлдошев ва бошқа ёш, истеъдодли актёрлар ижро этган.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

• ЭЪЛОНЛАР •





E'LON!

*Aholining elektr energiyasi, tabiiy gaz va boshqa kommunal xizmatlar uchun to'lovlarni amalga oshirishlarida qo'shimcha qulayliklar yaratish maqsadida «Mikrokreditbank» OATB tizimida tashkil etilgan minibanklar va maxsus sayyor kassalari dam olish kunlari ham ishlashi yo'lga qo'yildi.*

Xizmatlar litsenziyalangan.

Qo'shimcha ma'lumot uchun tel.: (8-371) 273-05-70, 273-05-80.

1070A/572

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2014 йил 22 август куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Асака тумани СИБ томонидан ЖИБ Асака тумани судининг 2014 йил 25 мартдаги 1-63-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, Найман маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 26933,3 кв.м., умумий қурилиш майдони 2946,8 кв.м. бўлган чорва мажмуаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 229 683 481 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2014 йил 20 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (8-374) 228-46-16.**

Хизматлар лицензияланган.

1061R/90


WWW.XS.UZ

Алмати шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз олтита медаль жамғариб, мусобақани умумжамоа ҳисобида учинчи ўринда якунлашди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 20.45 1 2 3 4 5